

ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОШКЕНТНИНГ ДИҚҚАТГА САЗОВОР ЖОЙЛАРИНИ ЗИЁРАТ ҚИЛДИ



Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонига ташриф буюрдилар. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истикболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди, деб ёзади ЎЗА.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг бош майдонида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди.

Президентлар давлатимиз раҳбари ташаббуси ва гоёси асосида бунёд этилган “Маърифат маркази”ни бориб кўрди. Ушбу мажмуадан ўрин олган Симпозиумлар саройининг кўрку салобати, меъморий ечими, йирик илмий анжуманлар ва халқаро симпозиумлар ўтказиш учун яратилган замонавий шарт-шароитлар, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг бой ахборот-кутубхона фонди, бу ерга келган ёш йигит-қизларнинг юксак интеллектуал салоҳияти олий мартабали меҳмонда катта таассурот қолдирди.